Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 25 (5316).
31 ЯНВАРЬ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVI съезди қарорлари амалда

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ — БЕШ ЙИЛЛИККА

ТЕЖАМКОРЛИК—АСОСИЙ МЕЗОН

ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1984 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент экскаватор заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқидан келиб чиқадиган қонда ва хулосаларни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, Пленум қарорларини амалга ошириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилиб, зимма-ларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар.

Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада самаралироқ фойдаланиш ҳамда янги қувватларни ишга туширишни тезлаштириш, янги техника ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий этиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ҳисобига йиллик план муддатидан илгари — 1984 йилнинг 28 декабрида бажарилади. Пландан ташқари 150 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан иккита экскаватор реализация қилинади. Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 1 процент зиёдаси билан бажарилади, шунинг эвазига пландан ташқари 242 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади.

Тежамкорлик режимини кучайтириш асосида, хом ашё, ёқилғи-энергетика ва бошқа моддий ресурслар, жумладан 25 тонна металл, 250 минг киловатт-соат электр энергияси, 200 гигакалорий иссиқлиқ энергияси иқтисод қилинади.

Ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш юзасидан комплекс тадбирлар амалга оширилиб, ана шу асосда маҳсулот таннархи планга қўшимча равишда 0,5 процент арзонлаштирилади ҳамда пландан ташқари 50 минг сўмлик фойда олинади.

Ишчиларнинг ижодий активлиги оширилади, рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тезлаштирилади ва шунинг ҳисобига 56 минг сўмлик иқтисодий самара кўрилади.

Ҳар бир сўм иш ҳақи ҳисобига кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш 1983 йилдаги 26 тийин ўрнига 1984 йилда 40 тийинга оширилади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, халқ истеъмол буюмлари тайёрлаш ўн ойлик плани муддатидан илгари — 24 октябрда бажарилади.

Қишлоқ ва сув хўжаликларига эҳтиёт қисмлар етказиб бериш топшириғи 1 декабргача адо этилади.

Корхона иш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнаткашларни тарбиялашдаги энг муҳим омиллардан ҳисобланган меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини кенг ёйиб, 1984 йилда ягона наряд асосида ишлаётган машинасозлар сони асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги жами ишчиларнинг 60 процентига етказилади.

Заводни мунтазам равишда ишчи кадрлар билан таъминлаб бориш мақсадида 1984 йилда кадрлар тайёрлаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, 54 та янги ишчи тайёрланади, 205 ишчи, 58 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади.

Сирдарё область Ильич районидаги Алексеевский номли совхозга ҳар томонлама оталиқ ёрдам кўрсатилади.

Социалистик мажбуриятлар завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишларида муҳокама қилинган ва қабул этилган.

ТУҚҚИЗЛАР ҲАРАКАТИГА — КЕНГ ЙЎЛ

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи кейинги йилларда кенг истеъмол буюмлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасида қувончли ютуқларга эришяпти. Бунда пойтахтимизнинг Ленин район Совети депутати, коммунист Матлуба Иброҳимованинг ҳам ҳиссаси бор. Илғор тикувчи-мотористка нундалик топширинни ҳамиша ошириб адо этади. Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Пойтахтимиздаги агрегат заводининг илғор ишчилари пешқадам бригада бошлиқлари кўтариб чиққан ватанпарварлик ҳаракатини чин дилдан қўллаб-қувватлаб, меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришиш учун курашмоқда. КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларини шараф билан амалга ошириш — завод коллективининг юксак бурчидир. Меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини 0,5 процент арзонлаштиришга эришиш барча резерв ва имкониятларни ишга солишни талаб этади.

Республика пахтакорларига жўнатиладиган эҳтиёт қисмлар сифатини янада яхшилаш учун корхонада қўшимча тадбирлар кўрилади. Ўтган йили коллектив уч миллион сўмликдан зиёд эҳтиёт қисмларни деҳқонларга етказиб берди. Бу шонли йилда мазкур кўрсаткич меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига янада оширилади.

Ҳозирги кунда заводда «тўққизлар ҳаракати»га қўшилганлар сони 100 дан ошиб кетди. Корхонанинг М. Ортиқов, С. Исҳоқов, М. Ҳалилов, Е. Берин, А. Абдурахмонов сингари фидокорлари беш йиллик плантопшириқларини республикамизнинг қутлуғ юбилейигача бажариш учун социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.

Тинчлик—олий мақсадимиз

ТЎҒРИ ЙЎЛ

Н. МАННОПОВ,
В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-йиғувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавоблари билан катта эътибор билан танишиб чиқди. Уларда Совет Иттифоқининг вужудга келган халқаро аҳволга муносабати аниқ ва тушунарли қилиб ифодалаб берилди. Ҳа, ҳозир халқаро аҳвол жуда танг, лекин бунда СССРнинг айби йўқ. Ғарбнинг ва биринчи навбатда Америка Қўшма Штатларининг империалистик доиралари ташаббуси билан Ғарбий Европада қўшимча ажал уруғини сочадиган қуроллари ўрнатиш бошланди. Айнан уларнинг айби билан Ливаннинг тинч аҳолиси қони оқизилмоқда, айнан Америка солдатлари Гренаданинг мустақиллигини бўғиб ташладилар.

Совет халқи тинчликни қадрлайди ва юқори баҳолайди. Улуғ Ватан уруши йиллари миллионлаб кишиларимиз хотирасида ҳамон оғир дард бўлиб ётибди. Лекин бизнинг тинчликка интилишимиз, ўртоқ Ю. В. Андропов қайта-қайта таъкидлаганидек, ожизлигимиз белгиси эмас. Биз Советлар мамлакати билан зўравонларча музокара юритишга ҳеч кимга ва ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

Партия сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб ва маъқуллаб, биз Советлар мамлакатининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

ИНСОНИЯТ БАХТИ — БИЗНИНГ БАХТИМИЗ

В. ГЛУХОВ,
«Ташсельмаш» заводи слесарь-йиғувчилари бригадири.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси мухбири саволларига жавоблари тинчликнинг тақдири учун чуқур қайғуриш туйғулари билан йўғрилган. Заводимиз ишчилари бу жавобларга лоқайд қаролмайдилар. Исроил босқинчиларининг Яқин Шарқда амалга ошираётган ҳунрезликлари, мустақил Гренададаги воқеаларга албатта бефарқ қараб бўлмайди. Тинчликсевар ташқи сиёсат—Совет давлатининг асосий мақсадидир. Бизнинг халқимиз бунёдкор халқ. Бутун инсоният бахт-саодати бизнинг ҳам бахтимиздир. Жамият тараққиёти учун осойишта меҳнат қилишдан ҳам азизроқ нарса борми? Биз инсоният яратган асрий бойликларнинг емирилишини истамаймиз.

Мен йигирма йилдан бери терим машиналарини ишлаб чиқаришда иштирок этяпман. Уларни чексиз далаларда кўриш мен учун қувонч. Бундай қувонч фақат осойишта осмон остидагина бўлиши мумкин.

Биз тинчлик тарафдори, оқилона музокаралар тарафдоримиз. Биз тинчлик тақдири ҳарбий йўл билан эмас, балки дипломатик йўл билан ҳал қилинишини истаймиз.

Яқдиллик вазиятида

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

Мамлакатда округ сайлов комиссияларининг мажлислари партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги белгиси остида, яқдиллик вазиятида ўтмоқда, бу мажлисларда Ватаннинг энг яхши ўғил ва қизларини СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар қилиб рўйхатга олиш давом этмоқда.

Москва область Люберци сайлов округининг округ сайлов комиссияси КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри **Пётр Нилович Демичев**ни шу округдан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

Красноярскда Ленин сайлов округининг округ сайлов комиссияси КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Владимир Иванович Долгих**ни СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига кандидат қилиб рўйхатга олди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари **Василий Васильевич Кузнецов** Волгоград сайлов округи сайлов комиссиясининг мажлисида шу сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

Округ сайлов комиссиясининг мажлисида Калинин сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Борис Николаевич Пономарев** рўйхатга олинди.

Сухуми—Ленин сайлов округининг округ сайлов комиссияси КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси **Виктор Михайлович Чебриков**ни шу округдан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

Грузия пойтахтида округ сайлов комиссияси КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Эдуард Амвросиевич Шеварднадзе**ни Тбилиси—Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Краснодар сайлов округининг округ сайлов комиссияси шу округдан депутатликка номзод қилиб КПСС Марказий Комитетининг секретари **Михаил Васильевич Зимянин**ни рўйхатга олди.

Кинешма сайлов округининг (Иваново области) округ сайлов комиссияси мажлисида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитетининг секретари **Иван Васильевич Капитонов** номзоди рўйхатга олинди.

Томск сайлов округида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиниб округ комиссиясининг мажлисида КПСС Марказий Комитетининг секретари **Егорь Кузьмич Лигачев** рўйхатга олинди.

Арманистон ССР Ленинакан шаҳрида округ сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг секретари **Константин Викторович Русаков** Ленинакан-Марказий сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

Свердловскда Чкалов сайлов округи сайлов комиссияси КПСС Марказий Комитетининг секретари **Николай Иванович Рижков**ни шу округдан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди.

(ТАСС).

* * *

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Тошкент-Ленин сайлов округи округ сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда Ш. Р. Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси депутатликка номзод К. Ҳ. Ёқуббоева шу сайлов округидан овозга қўйилишга розилик берганлиги маълум қилинди.

Ўзбекистон пойтахтидаги Ленин, Сергели ва Фрунзе районларидаги меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари комиссияга мурожаат қилиб, илғор тўқимачини депутатликка номзод этиб, рўйхатга олишни илтимос қилдилар.

Округ сайлов комиссияси Ш. Р. Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси **Каромат Ҳакимовна Ёқуббоева**ни 600-Тошкент-Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ ИШОНЧИ

Ўзбекистонда округ сайловолди кенгашлари давом этмоқда. Кенгашларнинг қатнашчилари совет халқининг энг яхши вакилларини СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатиш тўғрисида меҳнат коллективлари қабул қилган қарорларни яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Округ сайловолди кенгашлари Наманган область партия комитетининг биринчи секретари **Назир Ражабович Ражабов**нинг, Сирдарё область Ильич районидаги «Правда» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи **Минавар Мирбобоева**нинг, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари **Рашид Салоҳиддинович Ашуралиев**нинг, Беруний номидаги Тошкент политехника институти ректори **Карим Содиқович Аҳмедов**нинг, Тошкент область Ғалаба районидаги «Победа» колхозининг бригадири **Владимир Константинович Дюгайн**инг, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси **Владимир Александрович Головин**нинг номзодларини қўллаб-қувватладилар.

Андижон область Балиқчи районидаги «КПСС XXV съезди» колхози раиси **Абдукарим Мўминов**, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари **Исмоил Жабборов**, Қашқадарё область Яккабоғ районидаги «Қизил Юлдуз» колхози маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи **Муҳаббат Худойқулова**, Самарқанд область Большевик районидаги К. Маркс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Жониқул Юсупов**, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари **Ҳамдам Умаров**, Қорақалпоғистон АССР Элликқалъа районидаги «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхоз-техникумининг механизатори **Дилором Султоновна Ҳусанова**дар юксак ишончга сазовор бўлдилар.

Кенгашларнинг қатнашчилари депутатликка кўрсатилган номзодларга мурожаат этиб, ўз номзодлари кўрсатилган округларда овозга қўйилишга розилик беришларини сўрадилар. (ЎзТАГ).

● САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

Жонажон шаҳримиз Тошкент тобора обод ва кўркам бўлмоқда. Айниқса кейинги йилларда кўпгина янги турар жой массивлари, маданий-маиший объектлар, илмий муассасалар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

СУРАТДА: Октябрь районининг собиқ Себзор маҳалласи ўрнида қад кўтарган янги турар жой массивининг бугунги манзараси.

М. Нуриддинов фотоси.

БИЗ — ВАТАНПАРВАР-ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ

АФҒОН ҚИЗЛАРИ ТЎҚУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАШДИ

Афғонистон Демократик Республикасидан келган 18 нафар қиз Тошкентдаги 85-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртида уч йил ўқиб малакали тўқувчи бўлишди. Билим юртида афғонистонлик дастлабки битирувчиларга дипломлар топширилишига бағишланган кеча самимий ва байрамона ўтди. Уларни табриклаш учун бу ерга совет текгдошлари, ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими мастерлари, АДР вакиллари, тўқимачилик дастгоҳларида меҳнат қилиш сирларини эгаллаган Тошкент тўқимачилик комбинатининг ветеранлари ташриф буюрдилар.

— Ҳадемай сиз мустақил меҳнат фаолиятингизни бошлайсиз,— деди ўз сўзида билим юрти директорининг ўринбосари М. А. Исматуллаева. — Биз ўз билимларимизни, тажрибамизни сизларга сидқидилдан ўргатдик. Ватанингизга қайтганингиздан сўнг Мозори Шариф шаҳридаги йигирув-тўқув фабрикасида ишлашингизга тўғри келади. Агарда сиз ўз ишингизнинг чинакам усталари бўлиб етишганлигингиз, бошқаларни ҳам ўз ортингиздан эргаштираётганлигингиз ҳақида Тошкентга хабар келгудек бўлса бу биз учун энг юксак мукофот бўлади.

Битирувчилар номидан группа старостаси, ўқув аълочиси Вакила Сирожиддин рус тилида гапирди. У шундай деди:

— Биз ўқишни тугаллаганимиздан хурсандмиз, аммо Тошкент билан, ўқитувчилар, совет дўстларимиз билан хайрлашиш жуда оғир. Уч йил давомида ҳаётимиз мазмунини ташкил этган қизиқарли назарий машғулотлар, тўқув дастгоҳи олдидаги амалий ишлар, дўстлик кечалари ва рус қўшиқлари фестивалларини, санаторийларда дам олганимизни, туристик саёҳатларни, Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарларига, Москва ва Ленинградга экскурсияларни унутиб бўлмайди.

Дастлабки кунлардан ўқишнинг охириги кунларигача бизга кўрсатилган меҳрибонлик ва ғамхўрликни биз бутун умр қалбимизда сақлаймиз.

В. ПИРМУҲАМЕДОВ.

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ ХРОНИКАСИ

ЛЕКТОРЛАР ЎҚИШЯПТИ

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати факультети тингловчиларининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Улар профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Л. Хўжаеванинг «Ленинча мактабнинг атоқли нотиқлари» мавзуидаги лекцияни тингладилар. У А. Володарский, Я. М. Свердлов, Ф. Э. Дзержинский, А. В. Калинин, С. М. Киров, В. В. Куйбишев сингари оташин революционерларнинг нотиқлик санъати ҳақида мароқли ҳикоя қилиб берди. Профессор тингловчиларнинг нўпгина саволларига жавоб қайтарди.

Навбатдаги машғулот

«Билимлар уйи»да шаҳар лекторларининг «Раҳбар минбари» туркумидаги навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Педагоглар, ишчилар ётоқхоналарининг тарбиячилари, комсомол ходимлари «Тошкентни намунали шаҳарга айлантириш учун курашда ёшлар» мавзуини муҳокама қилдилар.

Лекторлар ҳузурида Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари С. Т. Алиев, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ маорифи Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев, шаҳар ҳунартехника таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Э. А. Каттахўжаев, педагогика фанлари илмий-текшириш институти директори вазифасини бажарувчи Н. Р. Ғайбуллаев сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги Лойиҳасини муҳокама этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўзга чиққанлар лекторларнинг кўплаб саволларига жавоб беришди.

С. ГРОХОВСКАЯ,
шаҳар «Билим» жамияти референти.

● МАДАНИЙ ҲАЁТ ХРОНИКАСИ

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИЖОД

Тошкентдаги Кино уйида «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда ҳужжатли илмий-оммабоп кинонинг аҳамиятини ошириш тўғрисида» илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон ССР кинематография Давлат комитети, республика Кинематографчилари союзи ва Ҳамза номли санъатшунослик институти ташкил этди. Семинар учун икки кунлик кино кўригида «Пахта—82», «Биз тарбияси қийин болалар эмасмиз», «Икки миллион таниш чеҳра», «Ўзбекистон—Ноқоратупроқ», «Қитъалар овози» ва бошқа картиналар кўрсатилди.

Конференция қатнашчилари ҳамкасбларнинг иш фаолиятини муҳокама қилмоқдалар, ютуқ ва камчиликларини қайд этмоқдалар.

БУГУН

конференциянинг ялпи мажлисида Ўзбекистон ССР Кинематография Давлат комитети раиси А. Абдуллаев, СССР Кинематография Давлат комитети кино санъати Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтининг директори ўринбосари, профессор С. Дробашенко Ўзбекистон ССР Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, кекса киноҳужжатчи М. Қаюмов сўзга чиқдилар.

ХАЛҚ АРТИСТИНИ ХАЛҚ ШАРАФЛАМОҚДА

Совет музика маданиятини барпо этиш ва ривожлантириш тарихидан муносиб ўрин олган устоз санъаткор, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотларининг лауреати Ҳалима Носирова номига республиканинг ҳамма томонидан, мамлакатнинг турли бурчакларидан табрикномалар келиб турибди. Унинг ижоди партия билан халққа хизмат қилиш намунаси бўлиб қолган. Хушовоз ўзбек хонандаси ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери санъат даргоҳида хизмат қилиб келмоқда. Унинг опера саҳнасида яратган ажойиб хотин-қизлар образлари театр, музика ижодиёти хазинасига қўшилди, вокал санъатининг мактаби бўлиб қолди.

30 январь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев СССР халқ артисти Ҳалима Носировага Халқлар дўстлиги орденини тантанали вазиятда топширди. Ҳалима Носирова совет музика санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун шу орден билан тақдирланди.

Ўртоқ Усмонхўжаев машҳур артистни Ватан мукофоти билан самимий табриклади, унга сиҳат-саломатлик, янги муваффақиятлар тилади.

Ҳалима Носирова жавоб сўзида ўз меҳнатига юксак баҳо берилганлиги учун Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига астойдил миннатдорчилик билдирди, ўзининг бутун кучини санъатга, унинг тинчликка хизмат қилиш, коммунистик жамият кишисини тарбиялашдек олижаноб вазифани рўёбга чиқаришга сарфлашга ваъда берди.

Мукофот топширишга бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари Р. Ҳ. Абдуллаева, И. Г. Анисимкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов қатнашдилар.

Шу куни Ҳалима Носирова талантининг ихлосмандлари, унинг ижодкор касбдошлари, дўстлари, ўртоқлари, шогирдлари Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрига келдилар. Бу ерда халқ артисти туғилган кунининг етмиш йиллигига бағишланган юбилей кечаси бўлди. Шу театр зали томошабинларнинг ўзбек халқи шонли қизлари бутун бир ажойиб туркуми — Нодира, Гулсара, Наргиз, Зуҳра, Ширин, Зайнаб, Баҳор, Майсара, Саодат образларини яратган артист билан қизғин учрашувлари шоҳидидир. Ҳалима Носирова рус ва чет эл классикларининг асарларида бир қанча образлар яратди. Сўзга чиққанлар Ҳ. Носировани Ватанимиз кўпмиллатли санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги тўғрисида гапирдилар. Ҳалима Носирова Катта Фарғона канали қурувчиларини, Мирзачўл, Жиззах дашти забткорларини мафтун этган қўшиқлар халқ хотирасида яшаб келмоқда. Солдатларнинг хатлари миннатдорчилик билан тўлиб тошган — Улуғ Ватан уруши йилларида Ҳалима Носирова концерт бригадалари составида бир неча бор фронтга борган эди.

Юбилей кечасида юбиляр номига келган табрик телеграммалари ўқиб эшиттирилди.

(ЎзТАГ).

тонгги газеталарда

● «Республика бунёдкорларининг юбилей йили марралари» катта сарлавҳаси остида Ўзбекистон ССР қурилиш, монтаж, сув хўжалиги, лойиҳа ташкилотлари ва бинокорлик материаллари саноати ҳамда қурилиш индустрияси корхоналари коллективларининг 1984 юбилей йили социалистик мажбуриятлари эълон қилинган.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИ ҚОШИДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚУМАКЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИҚ СОВЕТИ.

ВЕТЕРАН

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚУМАКЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИҚ СОВЕТИНИНГ РАИСИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРИ САЙЕРА УМАРОВНА СУЛТОНОВА.

№ 1 (14)

Яқинда пойтахтимиздаги Актёрлар уйида фронт концерт бригадалари қатнашчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Шу ерда роппа-роса 39 йил муқаддам, урушнинг суронли йиллари, ўз санъати билан Қизил армиячиларни жанговар жасоратларга сафарбар этган, Улуғ Ғалабани яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшганлар йиғилишди. «Ҳа, замбараклар садоси остида ҳам музика садолари тинганн йўқ,— деб эслайди Ўзбекистон Давлат филармониясининг собиқ ўзбек хотин-қизлар фронт ансамблининг бадиий раҳбари Г. Раҳимова. — Фақат ўзбек санъатининг вакилларигина 3 мингдан зиёд концерт қўйиб бердилар».

Республика Театр жамияти ва республика уруш ветеранлари советининг қарорига биноан учрашувда фронт концерт бригадаларн секцияси ташкил этилди. Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова ана шу секциянинг раиси этиб сайланди.

СУРАТДА: фронт концерт бригадалари қатнашчилари.

В. Дубровский фотоси.

ШАҲАР ПАРТИЯ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТИДА

ЛЕНИН ИШИ БАРҲАЁТ

В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалида шаҳар партия ветеранлари совети ва «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси — «Ленин чақириғи» йили — 1924 йил коммунистлари учрашувини ўтказди.

...Ильич музейи томон оқ мармар зинадардан партия ветеранлари ҳаяжон билан кўтариладилар.

Қиш кунларида, бугун улар қадрдон Ильич музейига унинг хотирасини яна бир бор эъзозлаш учун келдилар. Айни пайтда босиб ўтилган бой ҳаёт йўли ҳақида суҳбатлашиш учун тўпландилар.

Улар Она-Ватанимизнинг қаҳрамонона тарихи саҳифалари билан боғлиқ равишда ўз бошидан кечирганларини ҳикоя қилиб бердилар. Ориф Азимович Обидов ва Михаил Дмитриевич Омельченко Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун актив қатнашишди. Босмачи ва бошқа контрреволюцион элементларга қарши кураш олиб боришди. Уларнинг иккаласи ҳам тажрибали офицерлардир.

Михаил Дмитриевич В. И. Ленин номли IV бирлашган командирлар мактаби (ҳозирги В. И. Ленин номли олий умумқўшин командирлари билим юрти)нинг собиқ курсанти Улуғ Ватан уруши даврида жанг-ма-жанг юрди, Она-Ватанимизни немис-фашистлардан тозалашда, кейинчалик эса Европани озод қилишда қатнашди.

Бу икки кекса коммунист ҳозир ҳам меҳнат фаолиятини давом эттиришяпти. Уларнинг бири Октябрь район партия ветеранлари советига бошчилик қилмоқда, иккинчиси эса Киров район партия ветеранлари советига етакчилик қилянти. Улар тез-тез мактаблар, корхоналар, ҳарбий қисмларда бўлиб, ёшлар билан учрашадилар, ёш авлодни юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Георгий Петрович Кокорев ўн беш ёшидан буён Москвадаги Авиахим номидаги 1-авиация заводида ишлади. Авиация заводида эса жами 45 йил меҳнат қилди. Мамлакат бошига тушган оғир кунларни — Владимир Ильич Ленин вафот этган дамларни қайғу билан эсларди.

— Бизнинг корхонамизда казарма ҳолати эълон қилинди, —деб ҳикоя қилади у. — Биз заводни қўриқлаб турдик. Кўчаларда патруллик қилдик. Ўша пайтлар жуда оғир бўлди. Ҳар қандай контрреволюцион элементларга қарши кураш олиб боришди. Уларнинг иккаласи ҳам тажрибали офицерлардир.

Мени кейинчалик авиация заводига ишга юборишди ва унинг коллективи билан биргаликда Тошкентга келдим ва фронт учун самолётлар тайёрладик.

Ефим Айзикович Перлин тегирмончи эди. У комсомол снёсий ўқувини олиб борарди. Совет ҳокимияти уни Кировоградга — округ партия-совет мактабига ўқишга юборишди. Бу ерда у Ленининг вафоти тўғрисидаги мудҳиш хабарни эшитди. РКП(б) Марказий Комитети ишчиларга партия сафларига кириш даъвати билан мурожаат қилган чоғда эса у биринчилар қаторида ариза берди ва 1924 йилнинг март ойида партия сафига қабул қилинди. «Соцнаступ» газетасининг мухбири бўлиб ишлади, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борди. Украинада петлюрачилар, махночилар, григорьечилар тўдаларига қарши курашди. Ўғриларни поездларда қўлга туширди. Дон тайёрлаш бўйича вакиллик қилди. 1926 йилда «Соцнаступ» газета редакцияси ва Кировоград округ партия комитети уни актив иш олиб борганлиги учун Совет Иттифоқи бўйлаб йўлланма билан мукофотлади.

Унинг меҳнат таржимаи ҳоли Тошкент электрон-техника заводи коллективи билан узвий боғланган. Бу ерда у ёшлар ҳузурида тез-тез кўрган-кечирганлари ҳақида гапириб беради. Она-Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳақида мисоллар келтиради. Ҳар йили Совет Тинчлик фондига пул ўтказади.

Комсомол аъзоси Вера Васильевна Лобова 20-йилларда Пенза областида саводсизликни тугатиш бўйича хотин-қизлар ўртасида актив иш олиб борди. Помешчикларнинг ерларини деҳқонларга бўлиб беришда қатнашди. Унинг кўпгина сафдошлари қулоқлар қўлида ҳалок бўлди. У умр бўйи ўқитувчилик қилди. Коммунист Николай Викторович Жукнинг ҳаёти ҳам воқеаларга бойдир.

Уларнинг ҳаммаси Ленин партиясига садоқат билан хизмат қилдилар ва хизмат қилиб келмоқдалар. Уларнинг барчаси халқ орасидан чиққан. Одессалик 15 яшар бола — Володя Гречанский жуда ёшлигидаёқ етим қолган эди. Унга Совет ҳокимияти катта фан йўлини очиб берди. Владимир Сергеевич ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда институтни тугаллади, темир йўл транспорти инженерлари институтида аспирантуранн битирди, кандидатлик диссертациясини ёқлади.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали... 1924 йил коммунистлари музейнинг кенг ва ёруғ заллари бўйлаб оҳиста юришибди. Улар тарихий ҳужжатлар қўйилган стендлар олдида узоқ тўхтаб қоладилар, ундаги ёзувларни ўқийдилар. Бу ёзувларнинг ҳар бир сатри эса уларга тарихий воқеаларни ёдга солади. Берилиб ёзаётган Ильичнинг чеҳрасига ўйчан боқишади. У ёзиб қолдирган васиятларни коммунистлар изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этмоқдалар.

В. ЛАПИНА.

• «Ветеран» почтасидан

БИЗ ТИНЧЛИК ИСТАЙМИЗ

Отам Улуғ Ватан урушига жўнаб кетганларида етти ёшда эдим. Бир йил ўтар-ўтмас фронтдан қора хат келди. Отам душман билан бўлган қонли жангда ҳалок бўлган эди. Унинг меҳр-муҳаббатига тўймай қолдим.

Инсон ҳамма нарсага чидар экан. Жуда ёшлигимдан меҳнат қила бошладим. 1953 йилда нон заводига ишга кириб, то шу кунгача —ўттиз йилдан бери меҳнат фаолиятимни давом эттирямман. Меҳнатимга яраша ҳукуматимиз мукофотларига сазовор бўлганман. Тинч замонда, мусаффо осмон остида ўз фаровонлигимиз, ватан равнақи учун меҳнат қилишдан ортиқ бахт борми?

Мен бахтли онаман —саккиз фарзандим, икки келиним, икки куёвим, бешта бир-биридан ширин набирам бор. Улар тинчлик даврининг фарзандлари. Улар асло уруш даҳшатларини кўрмасликлари керак. Шунинг учун ҳам ўртоқ Ю. В. Андроповнинг жаҳондаги барча давлатларнинг ҳукуматларини тинчликни сақлаб қолишга даъват этувчи Баёнотини қўллаб- қувватлайман.

Биз тинчлик истаймиз!

Т. НАЗАРОВА,
ветеран ишчи.

• МИННАТДОРЧИЛИК СЎЗЛАРИ

ҒАМХЎРЛИК

Яқинда бепул йўлланма билан Наманган областидаги Чортоқ шифохонасига даволаниш учун бордик. Чортоқ станциясига етиб боришимиз билан бизни хушмуомала ҳамшира қиз кутиб олди. Келган меҳмонларни махсус автобусга чиқишга таклиф қилди. Ўша автобусда шифохонага етиб олдик.

Шифохона ходимлари бизни илиқ кутиб олиб, чол-кампир икковимизга алоҳида хона ажратиб беришди. Ошхона ходимлари ҳам жуда хушмуомала эканлар, қандай таомларни хуш кўришимизни сўраб, атрофимизда парвона бўлишди. Шифокорларнинг барчаси кексаларга ғамхўр кишилар экан.

Яхши ҳордиқ чиқариб, даволаниб қайтар эканмиз, шифохона коллективига қайта-қайта ташаккур билдирдик.

Л. ҲАМИДОВ,
М. САТТОРОВА,
пенсионерлар.

• Ветеран сафда қолади

Машинистларни шундай кузатишади

Шу куни «Янгийўл — Тошкент» электропоездининг навбатдаги рейси духовой оркестрнинг тантанали садолари билан тугалланди. Вокзал радиоузели диктори бугун 1-классли машинист В. Тарасовни пенсияга кузатишаётганлигини эълон қилди. У пўлат магистраллар бўйлаб 2 миллион километр йўл босиб ўтган.

Виктор Павлович ўзининг меҳнат фаолиятини 1947 йилда паровоз машинисти ёрдамчиси сифатида бошлаган. Бир йилда тепловоз кабинасида асосий ўринга ўтирди. Кейинроқ биринчи бўлиб электропоездларни бошқара бошлади. «Узбекистон» депосининг энг яхши машинист-инструктори ўтган йилларда 200 дан ортиқ шогирдга локомотив бошқариш сирларини ўргатди. Ветеран ўзини кутиб олаётган собиқ шогирдлари — депо бошлиғи Н. Литвинов, тажрибали машинист Ҳ. Исломов, ёш авлод вакили, ҳаётга дадил қадам қўяётган Н. Грицинин ва бошқаларни кўриб кўзларига ҳеч ишонгиси ёшлари келди.

У қизғин табрикларни эшитгандан кейин жонажон коллективда қолиш истагида эканлигини, ёш темирйўлчиларни тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшажагини билдирди.

М. ДРАПКИН.

ШИФОКОРЛАРГА РАҲМАТ

Мен анча вақт Тошкент область бирлашган касалхонасининг нейрохирургия бўлимида даволандим. Фронтда олинган эски яралар безовта қилган эди...

Касалхонадан яхши кайфият билан чиқдим. Катта эътибор бериб, яхши даволаганликлари учун бўлим мудири А. Хубиев, даволовчи врач Т. Орзубоев, ҳамшира М. Донибоева ва бошқаларга ташаккур билдираман.

Р. ШОКИРОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

• ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

БОБО

Бир куни Юнусобод массивидаги «А-I» микрорайони бўйлаб кетаётганимда домино ўйнаб ўтирган бир группа пенсионерларга кўзим тушиб қолди. Улар орасидаги сочлари оқарган киши менга таниш кўринди. Шу боисдан дадил унинг олдига бордим. Ҳато қилган эканман. Шунга қарамасдан унинг ёнига ўтирдим. «Сиз нега домино ўйнамаяпсиз», деб сўрадим. У жавоб берди: «Кичкинтойга қараб туришим керак», дея чопқиллаб юрган болага ишора қилди.

Биз иккаламиз ҳам Улуғ Ватан уруши йилларида Москвани ҳимоя қилишда қатнашган эканмиз. Бошқа-бошқа қисмларда, албатта. Суҳбатдошим Сергей Петрович Силин 70 ёшга яқинлашиб қолганлигини, маълумоти бўйича инженер-механик бўлиб, пенсияга чиққунга қадар Тошкентдаги йирик корхоналардан бирида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаганлигини билиб олдим. Тўғриси айтганда пенсияга чиқмоқчи эмас эди, аммо шароит тақозоси ишлашга йўл қўймабди.

Ўртанча ўғли Семён фарзанд кўрди. У инженер бўлиб ишлайди. Турмуш йўлдоши эса мактабда юқори синф ўқувчиларига дарс беради. Келининнинг декрет отпускаси тугаганидан кейин чақалоқни бобога жойлашди. Лекин чақалоқ янги шароитга кўника олмай, тез-тез касал бўладиган бўлиб қолди. Уни тарбиялашни бошқа кишига топшириш имкони йўқ эди.

—Худди ана шу дамда Димани тарбиялаш вазифасини зиммамга олдим, —дейди Сергей Петрович. —Ҳозир у 8 ёшга тўлди. Тийрак, бақувват. Бунга эришиш учун жуда кўп меҳнат сарфладим. Қизиқувчан, жуда кўп китоб ўқийди, меҳнатсевар, қувноқ бўлиб вояга етмоқда. Ҳайвонларни яхши кўради. Бир сафар Дима ёш қизни уришқоқ болакайлардан ҳимоя қилди. Ўзи ҳам анча дўппосланди. Шунга қарамасдан йиғламади. Ўзини ҳақиқий йигитдек тутди. Буни кўриб ниҳоятда қувониб кетдим.

Орадан олти йил ўтганидан кейин иккинчи набирам — Павел туғилди. Уни болалар боғчасига жойлаб ўтирмадик. Юмушларим янада кўпайди...

Чақалоқнинг дунёқарашини шакллантириш, ҳақиқий граждан этиб тарбиялашдан ҳам гўзал иш бўлмаса керак! Ҳаётинг давомида тўпланган билимларни аста-секин ёш болага ўргатиш ниҳоятда эзгу ишдир. Ана шу ёш болалар эртанги кунимизнинг эгаларидир. Улар мураккаб вазифаларни ҳал қилишга қодир кишилар бўлиб етишишлари лозим.

Сергей Петровичнинг айтишига қараганда, ўғли Семён билан бирга яшайди. Катта қизи ҳам бор. Унинг кичкинтойи ҳам тез-тез келиб туради. Уч киши бўлиб боғда сайр қилиш ниҳоятда ҳузурли.

Сергей Петрович билан хайрлашар эканман, унинг олижаноб, сахий ва иродали киши эканлигига қойил қолдим. Хаёлимда унинг бобо сифатидаги меҳнати тўғри баҳоланяптими, унга ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсатиляптими, деган савол пайдо бўлди. Еки бу нарсани фарзандлари оддий воқеа деб қабул қилишяптими? Йўқ. Фарзандлари унга катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатишмоқда.

П. КАПРАНОВ.

ЙЎҚОЛГАН НОМЕР

Ҳурматли «Оқшом!» Сенга Улуғ Ватан уруши ветерани мактуб йўллаяпти. Ушбу мактубда Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармаси ходимлари менга нисбатан ҳурматсизлик қилаётганликлари ҳақида ёзяпман.

Ўтган йил август ойида телефон олиш учун менинг навбатим келди. Пул тўлаганимдан кейин 48-84-50 номерини беришди ва уч кундан кейин телефон аппаратини ишга туширажакларини айтишди. 15 кун кутдим, ҳеч ким келмади. Эсларидан чиқмадимикан деб бошқармага бордим.

«Кабель келди, ҳаммаси жойида бўлади», ваъда беришди улар. Кейин менинг телефонимни қандайдир ташкилотга улаб қўйишди. Яна бригадир ҳузурига бордим, у эса менга «Ташвиш чекманг, 48-АТСга қўнғироқ қиламан. Аппаратингизни қайта улаб беришади», деди. Мана уч ойдирки, ҳеч нарсага эришолмаяпман. 29-АТСдагилар 48-АТСга йўллашади, у ердагилар эса орқага. Бошқармадагилар эса менга «совга» тайёрлашибди. Айтишларича, менга ажратилган 48-84-50 номери ҳозир йўқ. Яқинда Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигига бордим. Министрлик бўйича навбатчи арзимни тинглаб, АТСга қўнғироқ қилди ва менга «48-84-50 номерини улаб бериш» кераклигини айтди.

Менинг телефон номерим қаёққа йўқолган бўлиши мумкин, деган савол туғилади. Бунақа ақлга сиғмас сеҳргарликлар Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасида нима сабабдан рўй беряпти!

А. РОГОВИЦКИЙ,
Улуғ Ватан уруши ветерани.

МУРАББИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Марказий универсал магазинининг жанговар шуҳрат хонасида меҳнат ветеранларининг ана шу йирик савдо корхонаси ёш ходимлари ва ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Кекса савдо ходимлари, ёшларнинг мураббийлари ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар ва ёш меҳнатчиларни тошкентлик минглаб харидорларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга даъват этдилар.

Т. Каримов фотоси.

РЕМОНТ ҚИЛА КЎРМАНГ...

Биз квартирамизни алмаштирдик. Янги жой метрога яқинлиги, лифт муттасил ишлаб туриши билан бизни хурсанд қилди. Лекин уни ремонт қилиш керак эди. Ёрдам сўраб ЖЭУга бордим. У ерда менга деворларни, ойналарни, эшикларни, шифтларни квартира эгаларининг ўзлари ремонт қилишлари керак деб тушунтиришди. Тошкент шаҳар уй-жой бошқармасининг 1-қурилиш бошқармасига, ихтисослашган ташкилотга бордим. Техник қабул қилувчи Бурнашова деворларни оқлашни ремонт сметасига киритишимизни талаб қилди. Харажатни бироз камайтириш мақсадида биз деворларни оқлаш ўрнига гулли қоғоз ёпиштириб беришни сўрадик.

— Ишчиларга нима ҳисобидан ҳақ тўлаймиз! — қурилиш бошқармасидагилар ажабланиб сўрашди.

Хуллас, квартирани ўзимиз ремонт қилишга ахд қилдик. Унга минг сўмга яқин пул сарфладик. Яна полни ремонт қилиш керак бўлиб қолди. Бу сафар ҳам ёрдам сўраб ЖЭУга бордим. Яна суҳбатимиз қовушмади. Ташкилот ходимлари, улардан бири — мастер Л. Хамзина нега бу квартирага аввалги квартирангизни алмаштирдингиз деб қойиб берди. Суҳбатимизни эшитиб ўтирган ЖЭУ бошлиғи пинагини ҳам бузмади.

Ўз-ўзидан бир савол келиб чиқади. Қурувчилар полнинг тахталарини яхши ўрнатмаганликлари, сифатсиз цемент ишлатганликлари учун биз истиқоматчилар айбдормизми! Энди бизнинг квартирамизни ким ремонт қилиб бериши керак! Ремонт-қурилиш трестими ёки истиқоматчиларнинг ўзларими! Нима бўлганда ҳам масалани ҳал қилишда ЖЭУ бошлиғи М. Гуцов уруш қатнашчилари бўлган кишиларга, меҳнат ветеранлари ва пенсионерларга ғамхўрлик кўрсатиши лозим эмасмиди!

Бу борадаги фикримизни рафиқам билан бирга Гуцовнинг номига ёзилган икки аризада баён қилдик. Улар ўтган йилнинг 4 ва 31 августида ёзилган эди. Партия меҳнаткашларнинг хат ва аризалари билан ишлаш ҳақидаги кўрсатмасида талаб қилинганидек, биз ҳам аризаларимизга ёзма жавоб берилишини сўрадик. Бироқ, жавоб бўлмади. Илтимосимиз бажарилмади. Яна ўз маблағимиз ва кучимиз билан ремонтни давом эттиришга тўғри келди. Линолеум сотиб олдик, четдан ишчилар ёллаб, линолеумни ётқиздик.

Капитал ремонтнинг аҳволи шундай. Жорий ремонт ҳам беташвиш бўлмайди. Кранни алмаштириш, оқаётган сувни тўхтатиш керак бўлади. Бу ишларни бажараётган навбатчи слесарь: «Бундай нарсалар менда йўқ, бозордан олиб келинглар», деб шикоят қилади. Уларнинг гапига қараганда ЖЭУга материал ва эҳтиёт қисмлар бутунлай етказиб берилмас эмиш. Аслида шундаймикин!

ЖЭУ ходимлари ўз ҳаракатларининг моҳиятини фақат ўзлари тушунишади. Бир сафар уйимизнинг техник кузатувчиси шундай деди:

— Қанча пенсия олаётганингиз ҳақида справка олиб келсангиз, сизга линолеум беришади.

Рафиқам билан район социал таъминот бўлимига бориб, пенсиямиз ҳақида справка олиб келдик. Аммо бизга линолеум беришмади. Мастер Л. Хамзина гулли қоғозни йўл ҳаражати баҳонаси билан оширилган нархда сотди. Бу гулли қоғоз унда қандай пайдо бўлиб қолганлиги номаълум. 9-ЖЭУ фаолиятидаги жуда кўп нарсалар жумбоқлигича қолмоқда.

К. ФЕДОРОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

БЕРАҲМ СУЛУВ

Ҳамкасбларим мени пенсияга тантанали кузатиб қўйишди. Бўлим мудиримиз пенсия расмийлаштирилиши учун барча зарур ҳужжатларни тайёрлаб берди. 10 сентябрь куни шахсан ўзим ишдан бўшатилганим тўғрисидаги буйруқдан кўчирмани Киров райони социал-таъминот бўлимига олиб бордим. Шу ернинг ўзида пенсиямни омонат дафтарчага ўтказиб туриш ҳақида бланка тўлдирдим. Бўлим ходими— ёшгина, сулув қиз [у негадир исми-шарифини биздан яширади] мени яна ишхонамга йўллади. Бухгалтериядан яна қандайдир «кореш»ок» олиб келишим керак экан. Бухгалтериядагилар кулишди — чунки мен илгари ҳеч қанақа пенсия олмаганман ва қандайдир «кореш»ок» ҳақида гап бўлиши мумкин эмас экан.

Ниҳоят сулув қиз мендан тилхат олгач, меҳнат дафтарчамни қайтариб бериб, омонат дафтарчамга пул ўтказишганини айтди. Энди мен омонат касса билан социал таъминот бўлими оралиғида қатнай бошладим. Сулув қиз 1 ноябрда менга пенсия дафтарчамни берди. Кун оралатиб пул тушган ёки тушмаганини билиш учун омонат кассага қатнай бошладим. Ниҳоят 1 декабрда фақат бир ой учун олдим. Нега фақат бир ой учун олганимни билиш мақсадида чиройли қизнинг ҳузурига келдим. У қўполлик билан ҳозир танаффус пайти эканини билдирди. У фақат уч ойдан бери ишлаётгани учун ҳеч нимани билмас эмиш.

Ҳурматли редакция! Наҳотки мен ана шундай ҳурматсизликка сазовор бўлсам! Улуғ Ватан урушида Берлингача борганман, Ҳукумат мукофотлари олганман. Пенсиягача виждонан ишладим, лекин пенсия гаштини сура олмаяпман.

Г. УЛЬЯНОВ.

• ЧЕТ ЭЛЛАРДА

Хўрланганлар

Японияндаги «бураку» аҳоли яшаш жойлари ҳақида ҳикоя қилиб бер-сангиз. Айтишларича уларда японларнинг алоҳида табақаси яшар экан.

И. ПОЛТАРЕВА.

«Бураку»ларда яшовчилар ташқи кўринишлари, расм-русумлари билан бошқа японлардан асло фарқ қилишмайди. «Буракуминлар» — этник жиҳатдан ҳеч қандай алоҳида тоифа эмас. Улар — социал адолатсизлик ва эски ақидаларнинг қурбонларидир.

Улар махсус «бураку» посёлкаларида истиқомат қилишади. Шу боисдан уларни «буракуминлар» — «бураку аҳолиси» деб аташади. Уларнинг посёлкалари геттоларга ўхшаш бўлиб, ташқи дунёдан кўринмас тўсиқ билан ажралиб туради. Аҳоли асосан тунука парчалари, эски картон яшиклардан ясалган кўримсиз кулбаларда истиқомат қилади. Медицина ёрдамининг йўқлиги, антисанитария ҳолати, аҳолининг зичлиги — булар «бураку»да яшовчилар ўртасида ўлим кўплигининг сабабларидир.

«Бураку» аҳолиси — ўрта асрларда «қора» ҳисобланган «эта» табақасининг авлодларидир. Феодал Японияси даври аллақачон ортда қолди, лекин бу кишилар ҳамон паст табақа аҳволида яшашга мажбурдирлар. Конституцияда расман тенглик эълон қилинган ва камситишнинг ҳар қандай формалари тақиқланган, лекин «буракуминлар» ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳамиша камситилмоқдалар.

«Буракуминлар» ҳамон камситилаётгани учун аввало япон ҳукмдорлари айбдорлар. Улар аҳолининг бу табақаси ҳаётини яхшилаш учун ҳеч нима қилишмаяпти. «Бураку» аҳолиси демократик ўзгартиришлар ва гражданлик ҳуқуқи учун курашда фаол қатнашмоқдалар. Ўтган йилнинг август ойида Кобе шаҳрида «буракуминлар» аҳволини ўрганиш бўйича Бутуняпон конгрессининг съезди бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари «бураку»лар аҳолисининг жамиятнинг бошқа аъзолари билан тенглигини таъминлашни қатъий талаб қилдилар.

Тўғри, эскилик сарқитларини қўпориб ташлаш қийин. Лекин «буракуминлар»нинг эҳтиёжига ҳукумат раҳбарлари эътиборсизлик қилаётганини ҳисобга олсак, замонавий Японияннинг ана шу муаммоси бизга янада аён бўлади.

С. ЧУГРОВ.

«Ветеран»нинг справкалар бюроси

П. ЖУРАВЛЕВ: Мен III группа уруш инвалидиман. Ҳозир пенсиядаман. Ўқитувчи бўлиб ишламоқчиман. Лекин райОНО ва район социал таъминот бўлимидагилар айтишича, ишласам пенсиямнинг 50 процентини олар эканман. Шу тўғримми!

ЖАВОБ: КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1979 йил 11 сентябрдаги «Пенсионерларнинг халқ хўжалигида ишлашини моддий рағбатлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, қариялик пенсиясига ўтган, ишлаётган Улуғ Ватан уруши инвалидларига 1980 йил 1 январдан бошлаб, иш жойидан қатъий назар белгиланган пенсиянинг юз процентн тўланади. Бунда пенсия ва иш ҳақининг умумий суммаси ойига 300 сўмдан ошмаслиги керак.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ишловчи пенсионерларга иш жойидаги касаба союз ташкилоти томонидан маъмурият орқали социал таъминот органлари берган тўлов қоғози асосида пенсия тўланади. Мунозарали масалалар юқори касаба союз ташкилоти томонидан ҳал этилади. Сиз ҳам ўртоқ Журавлев юқори касаба союз ташкилотига мурожаат этишингиз лозим.

Р. ВАСИНА,
шаҳар социал таъминот бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

• Хатлардан сатрлар

Меҳрибонлик

Мен пенсиямни расмийлаштириш ҳақида Чилонзор райони социал таъминот бўлимига бориб инспектор Е. Ахмеровага мурожаат этдим. Яшаш жойим бўйича менга бошқа инспектор хизмат кўрсатиши керак экан. Лекин у йўқ эди. Е. Ахмерова мени меҳрибонлик билан кутиб олди ва ҳужжатларимни тартибга келтиришга вақтини аямади.

Кейин билсам Е. Ахмерова Чилонзор райони социал таъминот бўлими инспекторлари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби экан. Мен унга чин юракдан ташаккур айтаман.

С. БЕСПАЛОВ,
пенсионер.

• ЖАВОБ ОЛИНДИ

Квартира берилади

Улуғ Ватан уруши иккинчи группа инвалиди С. Зиёев редакцияга мурожаат этиб, янги квартира ололмаётгани ҳақида шикоят қилган эди. У яшаётган уй авария ҳолатида бўлиб, канализация, иссиқ сув йўқ. Бу уй Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига мувофиқ бузиб ташланиши лозим.

Октябрь район Совети ижроия комитетининг раиси Б. Дадаевнинг жавобида айтилишича, С. Зиёевга шу йили замонавий квартира ажратиб берилади.

МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

«ПИШМАГАН КАРАМ ШЎРВА

ЕКИ ХУЖАСИЗЛИК ОҚИБАТЛАРИ»

Ана шу сарлавҳа остидаги мақолани ўқиб ажабландим. Бу қанақаси: «Ташплодоовощ» бирлашмаси ва бошқа мева ва сабзавот тайёровчилар, савдо ташкилотларининг ходимлари 1,5 миллион сўмлик маҳсулотни — минглаб тонна мева ва сабзавотни чиритиб юборишибди-ку, бунинг учун фақат қаттиқ интизомий жазолар билан қутилишибди. Менинг фикримча, бундай қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортиш керак! Ахир гап халқ мулки ҳақида боряпти. Халқ мулкига бундай муносабатда бўлиш ҳуқуқига ҳеч ким эга эмас.

П. ХОМЯКОВ,
Улуғ Ватан уруши ветерани.

КАСБГА ЙЎЛ

КПСС Марказий Комитетининг мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги лойиҳасини муҳокама этамиз

КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» Лойиҳасида кўрсатилган мактаб, ҳунар билим юртларида ўқитиш ишлари савиясини ошириш йўллари шу кунларда педагогик коллективларида кенг муҳокама этилмоқда. Биз ҳунар-техника таълими бўйича шаҳар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Виталий Николаевич РАСУЛОВга мурожаат этиб, ундан мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги Лойиҳани муҳокама этиш вақтида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукумати халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими системасини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган асосий масалаларни эътиборда сақлаб, олдимизда турган вазифа ва муаммоларни ҳал қилишга ҳар томонлама ёрдам бериб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» Лойиҳаси бунинг яна бир далилидир. Лойиҳа ҳунар-техника таълими ходимлари томонидан маъқулланмоқда. Барча инженер-педагогик коллективлар Лойиҳани муҳокама қилиб, халқ маорифи ва ҳунар техника таълимини ислоҳ қилиш ёш авлодни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашни тубдан ўзгартиради, таълимнинг политехник, практик йўналишларини кучайтиради, ҳунар-техника таълими системасида малакали кадрлар тайёрлашни кўпайтиради, деган фикрга келишмоқда. Айни пайтда ёшларнинг умумий ҳунар таълимига ўтиши учун шароит яратади.

Шаҳардаги ҳунар-техника таълими мактабларининг раҳбарлари иштирокида ўтказилган Тошкент шаҳар бошқармасининг кенгайтирилган советида ҳунар-техника билим юртларининг обрўсини кўтариш, малакали ишчи кадрлар тайёрлашга ёрдам беради, деб таъкидланди.

Мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги Лойиҳани кенг муҳокама этиш давомида шаҳар бошқармасига қимматли таклифлар тушмоқда. 22, 34, 14, 4, 63, 166, 182, 128, 9-ҳунар-техника билим юртларининг педагогик коллективлари ижтимоий фанларни, жумладан, диалектик материализм, сиёсий иқтисод фанларини ўқитиш соатларини кўпайтириш ижтимоий фанлар бўйича ўқув қўлланмалари ва методик қўлланмалар чиқаришни, ҳунар-техника билим юртларидаги ўқиш муддатини қисқартириш, уни умумтаълим мактаблари билан бир вақтда тугаллашни йўлга қўйишни таклиф этишди.

Ишлаб чиқариш мастерлари Лойиҳанинг умумтаълим ва ўрта ҳунар-техника билим юртларини битирувчиларга олий ўқув юртларига киришлари учун бир хил шароит яратиш ҳақидаги бандида ҳунар-техника билим юртларини аъло баҳо билан битирганларга бериладиган имтиёзларни аниқ кўрсатиб қўйишни таклиф этишмоқда.

Лойиҳада ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш ишларини такомиллаштиришга катта аҳамият берилганлиги бизни ниҳоятда қувонтирди. Бу бир неча муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Ҳозир билим юртларининг ўқитувчилари мактабларга кўп мурожаат қилишмоқда. Шунга қарамасдан улар интизомсиз, фанларни ўзлаштира олмайдиган, мактаб учун «тўғаноқ» бўлиб қолган ўқувчиларни қабул қилишга мажбур бўлишяпти.

Инженер-педагог ходимларимиз ишлаб чиқаришда ишчи кадрлар тайёрлашни бекор қилиш, тўғарак ишлари фаолиятини кенгайтириш, ҳунар-техника билим юртлари ўқитувчиларини педагогика советларининг қарорига асосан ярим йиллик якунларига кўра мукофотлашга оид жуда кўп қимматли таклифларни киритишмоқда. Бу таклифлар билим юртларида ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш, ёшларни сиёсий, меҳнат, маънавий тарбиялаш ишларини янада яхшилашга ёрдам беради. Қисқа қилиб айтганда, Лойиҳа амалга ошганидан кейин жамиятимизнинг талабига мос ҳолда етук кадрлар тайёрлаш имкони вужудга келади.

МЕҲНАТ КЎНИКМАСИНИ ОШИРИБ

КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» Лойиҳасида ёш авлодни меҳнат руҳида тарбиялаш ҳақидаги масалага катта эътибор берилган. Бу тасодифий эмас. Меҳнат тарбияси бугунги кунда шахсни шакллантиришнинг муҳим омили ва халқ хўжалигининг меҳнат ресурсларига бўлган талабини қондиришдаги ўринли воснта сифатида қаралмоқда. Лекин, бу ишлар ҳали бизда етарли даражада олиб бориляпти, деб бўлмайди. Масалан, болалар мактаб устахоналарида асосан фанерли стендлар, швабралар тайёрлашдан нарига ўтишмаяпти. Тўғрисини айтиш керакки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортименти салмоқли эмас. Бу иш ҳамма болада ҳам қизиқиш уйғотмаётир. Ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида ҳам ишчи касбига қизиқиш уйғотиб тарбиялаш масаласи бир мунча дуруст кўринаяпти, лекин бу борада ҳам кўзланган яхши маррага етилгани йўқ. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, мактабларни битирувчиларнинг тахминан 20 процента ўзи танлаган ихтисослик бўйича ишламоқда. Ислоҳ болаларни ижтимоий фойдали меҳнатга, одамларга керак бўладиган молларни ишлаб чиқаришга ўргатишни тақозо этмоқда. Бу жуда ҳам тўғри. Иш бундай ташкил этилганида ўқувчиларда қизиқиш уйғонади, тайёрланаётган маҳсулот сифати учун масъулияти ошади, меҳнат дарсига жиддий муносабат туғилади, дарсдан ташқари пайтларда устахонада маълум ҳақ бўйича меҳнат қила оладиган бўлади.

Биз Лойиҳани муҳокама қила туриб, мактабимизнинг слесарлик ва дурадгорлик устахонасини қайтадан ташкил этиш хусусида фикрлашиб қолдик. Оталиқ ташкилотларининг мададисиз, эскириб қолган ускуналарни ўзгартирмасдан устахоналар ишини қайта ташкил этиб бўлмас экан. Бизнинг иккита оталиқ ташкилотимиз бор: «Узорглколхозстрой», «Ташоблколхозстрой». Улар бизга ёрдам беришмаётир, деб бўлмайди, лекин ислоҳ Лойиҳаси муносабати билан мактабимизни ўзининг чинакам бир бўлими деб ҳисоблайдиган ва ўқувчиларнинг меҳнат таълими бўйича ишларини коллектив шартномасига қўшишга қодир бўла оладиган оталиқ ташкилоти керак.

Ислоҳ Лойиҳаси болаларни уйда ҳам, мактабда ҳам тарбиялашда ота-оналарни кенгроқ жалб этишни жуда тўғри кўзда тутмоқда. Биз бу ишга фақат ота-оналарнигина эмас, балки маҳалла комитетларини ҳам жалб этишни, «онла ва мактаб ҳамкорлиги» жамияти фаолиятини янада жонлантиришни таклиф этамиз.

С. МАҚСУДОВ,
239-мактаб директори, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, СССР халқ маорифи аълочиси.

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

Болаларни кичик ёшдан бошлаб ўқувли, меҳнатсевар, одоб-ахлоқли бўлиши учун ғамхўрлик КПСС Марказий Комитети Лойиҳасида атрофлича ўз ифодасини топган. Таълим ва тарбия бирлиги инсон камолотида алоҳида ўрин тутади.

«Мактабни ислоҳ қилиш унинг фаолиятида тўпланиб қолган қанча салбий ҳолатларни, жиддий камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш мақсадини ҳам кўзлайди» — деб таъкидланади Лойиҳада.

Мактабда таълим мазмунига катта ўзгаришлар киритилиши кўзда тутилмоқда. Сифат ва самарадорликка эришиш, ҳар бир предметни ўқитишнинг юксакроқ илмий даражасини, фанларнинг асосларини мустаҳкам эгаллаб олишни уқтирмоқда.

Давр ўтиб дарслик ва қўлланмаларда болалар томонидан қизиқиб ўрганилмайдиган материаллар ҳали йўқ эмасди. Эндиликда улар ўрнини замон талабига мувофиқ, болалар идрокини ўстирувчи қизиқарли билимлар эгаллайди.

Мактаб ислоҳида болалар боғчалари ва мактаб программаларининг бирлиги хусусидаги фикрлар олиб борилаётган синовларнинг тўғрилигини тасдиқламоқда. Олти ёшли болаларга таълим ва тарбия бериш борасидаги ишларимиз яхшигина самара бераётганлигидан хурсандмиз.

Ислоҳ мақсадлари — олижаноб, юксак маънавий, инсонпарвар мақсадлардир. Бу мақсадлар албатта рўёбга чиқади. Болапарвар халқимиз, ўқитувчи ва тарбиячилар партиямиз белгилаган ҳамма режаларга «лаббай» деб жавоб берадилар.

Қ. АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари кандидати.

• Сўнмас у кунлар шуҳрати

ҚУРОЛДОШ ДЎСТЛАР УЧРАШУВИ

Ҳамшаҳарларимиз, тахтапуллик уч собиқ тўпчи Абдураҳмон Файзиев, Тўра Мирзаев, Турсунбой Саидмуровларнинг жанговар фаолияти ёшларга ибрат бўла олади.

1942 йилнинг сентябрь ойида бир маҳалладан бир кунда она-Ватан ҳимояси учун жангга отланган бу уч ўртоқ беш йил давомида бир ҳарбий қисмда намунали хизмат қилиб, душман устидан узил-кесил ғалаба қозониб, 1947 йилнинг апрелида кўкракларини шон, зафар нишонлари билан тўлдириб, Олий Бош Қўмондоннинг бир эмас, тўққизтадан тақдирномасини олиб, ёруғ юз билан она диёримизга соғ-омон қайтиб келган эдилар.

Улар хизмат қилган қисм 19-алоҳида гвардиячи миномётчилар бригадаси деб аталарди. Бу қисм Сталинградни мудофаа қилишда фаол иштирок этган. Кейин эса Брянск, Воронеж, 1-Украина ҳамда Ленинград фронтларидаги оғир жангларда, Берлинни олиш операциясида қатнашган, Дрезденни ишғол қилиб, Прагани немис-фашист босқинчиларидан озод этишдек катта жанговар йўлни босиб ўтган.

1982 йилнинг июнь ойида Львов областида қисм ташкил бўлган куннинг қирқ йиллиги кенг нишонланди. Ҳамшаҳарларимиз ветеран сифатида бу тарихий учрашувга бордилар. Ўттиз етти йилдан сўнг жанговар сафдошлари: Борис Васильевич Белявский, Антон Гцак, Семён Зерзер, Григорий Косточка, Евгений Дементьев ва бошқалар билан дийдор кўришиб, мароқли суҳбатлар қуришди. Бу учрашув чинакам халқлар дўстлиги, жанговар дўстлик байрамига айланиб кетди.

Яқинда собиқ 19-алоҳида гвардиячи миномётчилар бригадаси биринчи дивизиони комсомол ташкилотининг секретари, гвардиячи старший сержант, ҳозир эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал-лейтенант Борис Васильевич Белявский жонажон шаҳримизга келди.

Борис Васильевич Белявский, 1945 йили душман тўплардан тинимсиз ўт ёғдириб турган оғир бир шароитда Одер дарёсининг чап қирғоғига кечиб ўтишдаги кўрсатган мислсиз жасорати учун, 21 ёшида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олган. Кейин у ҳарбий сиёсий Академияни тугатиб, шу кунгача, деярли 40 йил давомида узлуксиз шонли Совет Армиямиз сафида хизмат қилиб келмоқда. У шу кунгача жангчилар, ёшларимизнинг жонқуяр устози, мураббийси, маслаҳатчиси, жанговар дўсти, ўртоғидир. Борис Васильевич мамлакатимиз Қуролли Кучларининг энг онгли, энг пешқадам аъзоси, ҳақиқий коммунист, Ленин ғояларининг энг фаол ташвиқотчиси сифатида катта-катта анжуманларда қатнашмоқда. У бутун ҳаётининг, умрининг мазмунини урушни лаънатлаш, тинчликни, инсон қадрини улуғлашдан иборат деб тушунади.

Мана шу ғоя, мана шу соф ният уни жонажон шаҳримизга, жанговар дўстлари қучоғига етаклаб келди.

Инқилоб беланчаги Ленинград шаҳрининг қамалдан тўла озод бўлганлигининг шонли 40 йиллиги нишонланган катта шодиёна кунларда Тошкентга келиши ҳам ўзининг рамзий маъносига эга.

Собиқ қуролдош дўстларнинг ҳозирги гулгун чеҳралари, меҳр тўла кўзлари, ҳис-ҳаяжонлари, ички кечинмаларини сўз билан таърифлаш ниҳоятда оғир вазифа.

Улар бир-бирларининг кўзларига тўймай тикилиб, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий қисмлари босиб ўтган шонли жанговар йўл ҳақида ўртоқлашдилар, аёвсиз жангларда қурбон бўлган сафдошларининг хотирасини чуқур сукут билан эсга олдилар. Қизиғи шундаки, орадан қарийб қирқ йил ўтганига қарамай, уларнинг хотираси ниҳоятда ўткир, улар босиб ўтган жанговар йўлнинг ҳар бир каттами кичик детали, қуролдош дўстларининг ҳаракати, характеридаги кўз илғамас штрих, воқеалар худди кечагидек ҳаёлда яхши сақланган. Шу боисдан ҳам суҳбат-суҳбатга уланди.

— Менинг назаримда, — деди узоқ ҳаёлга чўмган Тўра Мирзаев, — уруш минглаб оналарни ҳаётда суянчиғи бўлган фарзандларидан жудо қилди. У кулфат бўлиб кирмаган хонадон деярли қолмади.

— Ҳозирги пайтда халқаро аҳволнинг кескинлашиб, янги уруш хавфи туғилаётганини эсласанг баданинг сесканиб кетади, — дея суҳбатга қўшилди Турсунбой Саидмуродов. Наҳотки, биз кўрган ўша қора кунлар яна инсоният бошига балодай ёғилади? Биз шунинг учун курашганмидик? Биз фарзандларимиз, замонамизга тинчликни мерос қилиб қолдирмоқчимиз-ку.

— Худди шундай, дўстларим, — деди Борис Васильевич, — соф ниятли, ақл-заковатли ҳар бир инсоннинг фикри-ҳаёли шундай улуғ табаррук ғоялар, интилишлар билан банд. Агар қора кучлар яна бош кўтариб, бизнинг шу бугунги осойишта, фаровон ҳаётимизга раҳна солар экан, улар қилмишига яраша жазосини тортади. Уларни жиловлаб, тушовлаб қўйиш учун бизда керакли сабр-тоқат ҳам, куч-қудрат ҳам бор. Энг асосийси, биз билан бир сафда жанговар ўғил-қизларимиз, муносиб ўринбосарларимиз бор!

Бу қатъий ишонч, бу қувонч ва ифтихор ҳислари қуролдошлар қаерда бўлишмасин, ким билан учрашишмасин бир овоздан тўла маъқулланди, таъкидланди, баралла янгради. Бу қатъий фикр, бу пўлат ирода ва жасорат қуролдош дўстларнинг Тошкент шаҳар Октябрь районидаги ҳамшаҳарларимиз ўқиган Оржоникидзе номли 20-мактаб педагогик ва ўқувчилар коллективи билан бўлган учрашувда яна бир бор алоҳида бир куч, алоҳида бир кўтаринки руҳ билан янада баландроқ жаранглади.

И. РАҲМОНОВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: гвардиячи катта сержант, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. В. Белявский (1945 йил); қуролдош дўстларнинг Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 20-мактаб ўқувчилари билан учрашуви (1984 йил, январь).

Б. Мизрохин фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ВАРШАВА. Поляк шоири Адам Мицкевичга (1798-1855 йиллар) ўрнатилган ёдгорлик. У Россияда бўлган чоғларида улуғ рус шоири А. С. Пушкин ва декабристлар билан яқин алоқада эди.

В. Дубиль фотоси.

* * *

Польша Халқ Республикасининг пойтахти тинчликнинг жонли рамзи ҳисобланади. Бугунги кунда бу шаҳар қудратли социалистик индустрия, илмий оқартув ва маданий муассасалар шаҳридир.

СУРАТДА: Совет Иттифоқи поляк халқига совға сифатида қуриб берган Фан ва маданият саройи.

В. Мастюков фотоси. **ТАСС** фотохроникаси.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ПРАГА. ЧССР Миллий Фронти сайловчиларга сайловолди программасини эълон қилган эди. Ҳозир бу программа муваффақиятли бажарилмоқда. Планда кўзда тутилганидек, 1984 йилда Прага район миллий комитетларига қурилиш эҳтиёжлари учун 6,8 миллиард крона ажратилди. Бу маблағларга 8.600 та квартира қурилади ва шаҳар марказидаги эски бинолар капитал ремонт қилинганидан кейин яна 970 та квартира гўла-тўкис янгиланади. 7 ноябрда, Улуғ Октябрь санасида Прага метросининг яна бир участкаси ишга тушади. Шаҳарнинг асосий магистралларини, шу жумладан шимолжануб айланма йўлни ва Страгов тепалигидан ўтказиладиган туннелларни қуриш давом эттирилмоқда. Булар шаҳарнинг тарихий қисмини транспорт қатновидан бўшатади.

* * *

БЕРЛИН. Лейпцигда мактабгача тарбия ёшидаги болалар комбинатлари қурила бошланди. Уларда болалар боғча ва яслиси жойлашади.

Хоналарининг плани яхшиланган бундай янги типдаги бинолар тежамлилиги билан ажралиб туради. Кичик ҳажмли қурилиш деталларининг уй-жой қурилишида қўлланиладиган одатдаги панеллар билан алмаштирилганлиги монтаж-қурилиш ишларини бажарадиган бригадаларнинг иш унумини 25 процент оширди. Ҳар бир ана шундай объектни қурган вақтда пўлат сарфи 48 процент, бетон сарфи деярли 25 процент камаяди. Иситишнинг тежамли системаси ва йиғма элементларнинг иссиқликни ўтказмайдиган сифатлари яхшиланганлиги туфайли энергия сарфи деярли 40 процент камайди.

Бу йил Лейпцигда боғча-ясли типидаги ана шундай тўртта комбинат биноси қурилади. Бу биноларнинг ҳар бири 270 ўринга мўлжалланган.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

МАНАГУА. 1983 йилда Никарагуада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши қариб 15 процент ошди. Бу кўрсаткич, деди Сандиночи Миллий-Озодлик фронти Миллий раҳбарлигининг аъзоси, Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ер ислоҳоти министри Хайме Уилок, Лотин Америкасида энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Минглаб ишчилар, студентлар, давлат хизматчилари, Сандиночи халқ армиясининг жангчилари деҳқонларга ёрдам бериш учун келиб, далалар ва экизисорларда меҳнат қилишди. Бутун халқнинг фидокорона меҳнати туфайли мамлакат маҳсулот экспорт қилиш мажбуриятини бажарди. Пахта, кофе, шоли ва мак-жўхори етиштириш кўпайди. Шакарқамиш плантацияларк анча кенгайтирилди, эски қанд заводлари модернизация қилинмоқда. Янги заводлар қурилмоқда. Бу эса Никарагуа қанд етиштиришни ишонч билан кўпайтира боришига имкон беради.

* * *

ЛУАНДА. Ўтган йили Анголанинг Унла вилоятида саводсизликни тугатиш кампанияси вақтида 20 мингдан кўп киши ўқиш ва ёзишни ўрганди. Сўнгги йиллар ичида вилоятда саводлилар 500 минг кишидан ошиб кетди.

Мингдан кўп кўнгилли ўқитувчи, асосан ЖМПЛА Ангола ёшлар ташкилоти — ёшлар партияси аъзолари ҳозирдаёқ малака ошириш курсларини битириб чиқдилар. Улар Унла вилоятининг олис районларида халққа ўқиш ва ёзишни ўргатадилар.

* * *

АДДИС-АБЕБА. Қишлоқ хўжалигини янгилаш ва янада ривожлантириш Эфиопия ҳукумати аграр программасининг асосий вазифаларидан биридир. Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳузурида ташкил этилган махсус чорвачилик хизмати курси бу вазифани муваффақиятли ҳал этмоқда. Молларни эмлаш кампаниясини уюштириш, деҳқон уюшмалари орасида ветеринария асослари билимларини оммалаштириш ана шу курс вазифасига киради. Сўнгги йилларда бундай курсларни қишлоқ меҳнатчиларидан 6 мингдан кўп киши битириб чиқди. 1982 йилдан 1983 йилгача бўлган давр мобайнида турли касалликларга қарши салкам 15 миллион бош мол эмланди. Натижада молларнинг нобуд бўлиши 1974 йилга нисбатан уч баравардан зиёд камайди.

Бир қанча қишлоқ районларида ташкил этилган йирик чорвачилик марказлари хўжалик юритиш илғор методларини пропаганда қилиш ва жорий этиш билан шуғулланмоқда. Бундай марказлар яйловларни яхшилаб, озуқаларнинг янги-янги турларини етиштирмоқда, чорванинг сермаҳсул зотларини кўпайтирмоқда.

* * *

МАПУТУ. Мозамбик Халқ Республикасида қишлоқ районларини электрлаштириш нинг дастлабки планлари амалга оширилмоқда. 1983 йилда Мапуту вилоятининг кўплаб қишлоқларида электр лампочкалари порлади. Ҳозирги вақтда — «Марказ—Шимол» электр линияси қурилмоқда. Бу линия 1985 йилда битказилганидан кейин Тете, Замбезия, Нампула, Ньяса, ва Кабу-Делгаду вилоятларидаги деҳқон хўжаликлари электрлаштирилади.

Тетеда меҳнат қилаётган совет мутахассислари миллий энергетикани ривожлантиришда мозамбиклик дўстларига катта ёрдам беришмоқда.

НАМОЙИШ БЎЛИБ ЎТДИ

САН-ФРАНЦИСКО. Бу ерда ва Калифорниянинг бошқа шаҳарларида «Иш ва уй-жой берингиз» деган шиор остида бошпанасизларнинг намойишлари бўлиб ўтди. Намойишларнинг қатнашчилари энг ўткир социал проблемалар — ишсизлик ва уй-жой кризисини ҳал этиш учун сира кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни штат маъмурларидан ва Вашингтон маъмуриятидан талаб қилдилар. Ишсизлик ва уй-жой кризисидан миллион-миллион бошпанасиз америкаликлар азоб чекмоқда.

Калифорниядаги энг катта шаҳарлар — Сан-Франциско ва Лос-Анжелесдагина ўн мингдаб бошпанасиз кўпи бор.

АНЪАНАВИЙ КАМПАНИЯ

Сингапурда ҳар йили ўтказиш анъанага айланиб қолган «мулозамат» йиллик кампанияси бешинчи бор қулоч ёйди. Бу кампания даврида телевизорларда инсоний гўзалликлар ҳақидаги фильмларни кўрсатиш авж олади. Ширинсуҳбатлик ҳақида ҳикоя қилувчи эшиттириш ва конкурслар ташкил этилади. Шаҳар кўчаларига турли-туман шиорлар осиб ташланади. Газеталарда намунали гражданлар, жумладан полициячилар, болали аёлларга ёрдамлашувчи сермулозамат кишилар, пиёдалар ўтиб олиши учун чорраҳаларда машинасини тўхтатиб турган ҳайдовчилар ҳақида тез-тез мақолалар эълон қилинади. Бироқ, деб ёзади ЮПИ агентлиги, бу ташаббус самараси узоққа чўзилмаяпти.

КОСМЕТИКА УЧУН

Италияда косметик товарлар учун бўлган талаб кун сайин ортиб боромоқда. Агар 1972 йилда мамлакатдаги эркаклар соқол олганидан кейин ишлатиладиган кремнинг ўзига 6,8 миллиард лира сарфланган бўлса, 1982 йилда эса бу рақам 90 миллиард лирани ташкил этди.

Аёллар ҳозирги вақтда духи учун 209 миллиард, шампунь учун эса 202 миллиард лира сарфламоқдалар, деб ёзади «Панорама» журнали.

ГАПИРУВЧИ СОАТ

Япония магазинлари пештахталарида антиқа будильник-соат пайдо бўлди. Соат эгаси уйгониши керак бўлган вақтни белгилаб қўйса бас, соат ўша вақтда қўнғироқ чалмай гапира бошлайди: «Марҳамат қилиб турсинлар». Агар ухлаб ётган киши ҳадеганда туравермаса, соат росмана бақира бошлайди: «Тур, йўқса калтак ейсан».

ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ ҚУРИҚЧИ

Англия фирмаларидан бири чорбоғларга ўрнатиладиган қуриқчи-робот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Роботлар вақти-вақти билан қаттиқ хуштак чалади, тунда турли-туман нур таратади. Бироқ энг муҳим томони шундаки, у маълум маршрут бўйича мунтазам ҳаракатланиб туради.

ОЧИЛМАЙДИГАН ҚУЛФ

Испаниялик 32 ёшли Рудино Фернандеснинг тасдиқлашича, уй эгасидан бошқа ҳеч ким очолмайдиган мўъжиза-қулф ихтиро қилган. Бу қулф ўта мураккаб электрон қурилма билан таъминланган бўлиб, керакли рақамлар терилгандагина очилади. Ў 4,3 миллионта сондан иборатдир. Бу керакли рақамни топиш учун ҳаммасини навбатма-навбат синаб кўришга узлуксиз 136 йил вақт керак бўлади.

ЯНГИ КЎПРИК

Праганинг Баррандов районидаги А. Запотоцкий номли кўприк бўйлаб ҳаракат бошланди. Узунлиги 360 метр бўлган бу кўприк Чехословакия пойтахтининг янги турар жой районларини кўҳна қисми билан боғлади. Мазкур янги кўприк келажакда янада кенгаяди. Биринчи иншоот билан параллель равишда Влтава орқали кўприкнинг иккинчи полотноси қад ростлайди. Янги транспорт алоқалари ишга туширилади. Бу транспорт объектини 1986 йилгача қуриб битказиш мўлжалланмоқда. Праганинг янги кўприги шаҳардагина эмас, балки бутун мамлакатда энг йирик иншоот бўлади.

„ТО" спорт ҳафтаси

● ҚАДИМИЙ УЙИН ТОЖДОРЛАРИ

● ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ — ЭНГ ЯХШИ МУОЛАЖА

● БАРДАМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ

Шахмат юлдузлари

«КАМАЛАК» ШАХМАТ КЛУБИ

БИРИНЧИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Ҳурматли редакция, — деб ёзибди газетхонлардан Х. Иноғомов ва И. Белозеров, — «Тошкент оқшоми» газетасида «Камалак» шахмат клуби ташкил этилганлигини ўқиб, хурсанд бўлдик. Клубнинг очилиши ҳақидаги аннотацияда энг кучли шахматчиларнинг ҳаёти ҳақида қизиқарли материаллар берилади дейилган. Ана шундан келиб чиқиб биз «Шахмат юлдузлари» рубрикаси ташкил этилишини таклиф этмоқчимиз. Бу рубрика остида берилаётган материаллар орқали шахмат мухлислари, энг қадимий ўйин ихлосмандлари бўлган газетхонлар буюк шахматчилар ҳақида, жумладан, эркаклар ва аёллар ўртасида Жаҳон чемпионлари, СССР чемпионлари ҳақида кенг маълумот олиш имконига эга бўлишади.

Ишонамизки, шу мавзуда материаллар бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу йил жаҳон чемпионлари А. Карпов ва М. Чебурданидзе ўз унвонларини сақлаб қолиш учун курашадилар. Бу беллашувлар мамлакатимиз ва чет эл мамлакатлари шахмат ҳаётида муҳим воқеалар бўлади. Шу боисдан ҳам шахмат мухлислари учун жаҳон чемпионлари ҳақидаги маълумотлар, жаҳон шахмат тожи эгалари билан танишиш ниҳоятда қизиқарлидир. Бугун биз биринчи жаҳон чемпиони Вильгельм Стейниц ҳақида ҳикоя қиламиз.

Вена шаҳрининг марказида жойлашган «Куропатка» кафеси бўлиб, бу ерда карта, бильярд, шахмат ишкибозлари йиғилиб туришарди. Кийимлари анча эски бўлган ёш, сариқ сочли бола ҳам бу ерга тез-тез келиб турарди. Кўп ўтмай унга эътибор бера бошлашди. Жуда содда шахмат клубининг раиси ундан бир кун сўраб қолди:

— Сиз шахматни тушунасизми?

— Албатта тушунаман. Мен ҳатто тахтага қарамасдан ҳам дона сура оламан...

Ўша куни кафега анча кучли шахматчилар йиғилишган эди. Улар ўжар боланинг адабини бериб қўйишмоқчи бўлдилар. Кўпчиликка таниш бўлмаган бўлажак машҳур шахматчи бундай вазиятларда ҳамиша рақибларини мағлуб этар эди. Бу сафар ҳам у ўзига содиқ қолди. Ў ўшанда 23 ёшда эди.

1836 йилнинг 14 майида Прагада истиқомат қилувчи чангак буюмлари билан савдо қилувчи дўкондор Иозеф - Соломон Штайниц оиласида 13-фарзанд туғилди. Унга Вольф деб исм қўйишди. Кейинроқ бу номни у Вильгельм деб ўзгартирди.

13 болани боқишнинг ўзи бўлмайди. Бироқ ҳисоб-китобга уста бўлган Вольфни ота-она олий маълумотли қилишга аҳд қилишди. У мактабни тугатганидан кейин етуклик аттестати олиб Венага жўнади.

Вольф болалик пайтида Прагада отасининг ўйинларини кузатиб юрганидаёқ шахмат билан танишган эди. Унинг биринчи ўйнаган партияси ҳақидаги маълумот қизиқарли. Бир куни отасининг дўсти ва доимий рақиби уларнинг ўйнига келди. Аксига олиб отаси уйда йўқ эди. Шунда меҳмон вақтни ўтказиш ниятида Вольф билан ўйнади ва мағлубиятга учради.

Вена шаҳрида Стейниц камбағал чевар Денегнинг оиласида яшади. Уйидан жўнатилган пул унга базўр етар эди. Шахмат сотиб олиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Шу боисдан у доналарни қўлбола усулида ясади. Картондан фигуралар ясаб, уларнинг устига «Шох», «Ферз», «Пиёда» ва ҳоказо деб ёзиб қўйди. Тахтани чизиш ҳам қийин бўлмади. Бўлажак жаҳон чемпионининг биринчи шахмат комплекси ана шундай эди...

«Куропатка» кафеси қатнашчиларининг эътиборига сазовор бўлгандан кейин Стейниц Вена шахмат жамиятига кириш ҳуқуқини олди. Бу 1858 йилда юз берди. 1859 йили Стейниц жамият турнирида учинчи совриндор бўлди. Орадан бир йил ўтгач иккинчи ўринни эгаллади. 1861 йили эса биринчи ўринни қўлга киритди. У 30 марта галабага эришиб, фақат бир марта мағлубиятга учради.

Вильгельм Стейниц 1866 йилда И. Цукертортни мағлуб этганидан кейин расмий Жаҳон чемпиони деб эълон қилинди.

ОЛИМПИАДАЧИЛАР ОРАМИЗДА

«Искра» жонкуярлари

Шу кунларда аҳоли турар жойларидаги болалар ва ўсмирларни физкультура ва спорт ишларига жалб қилишнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Турмуш тақозоси билан шаҳардаги барча ЖЭУларда педагог-ташкилотчи штаби ташкил этилган эди. Бу лавозимда ишлайдиганлар аҳоли ўртасида олиб борилаётган оммавий-спорт ишларига жавоб берадилар. Мухбирларимиз ана шундай кишилардан бири Диана Владимировна Павлова билан учрашиб, ундан «Марказ—7» микрорайонида ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Физкультура ва спорт болалар ва ўсмирларнинг тетик, бақувват бўлишларига нафақат ёрдам беради. Шу боисдан ҳам ёшларнинг тарбиясини физкультура ва спортсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу иш аслида уйда, уйларнинг ёнидаги спорт майдончасида бошланади. Кейин «Искра» спорт клубидаги секцияда такомиллашади. Биз ҳар ойда клуб жамоатчилик советининг йиғилишини ўтказиб турамиз. Бу советга ЖЭУ партия ташкилоти, 110-ўрта мактаб касаба союз, комсомол активистлари, педагоглари аъзодирлар. Йиғилишда клубнинг фаолиятига якун чиқарамиз.

Тарбияси қийин ўсмирларни физкультура ва спорт ишларига жалб қилишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Микрорайонимизда 7 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг учдан бир қисми болалардир. Уқишдан бўш пайтларида улар нима билан шуғулланишади? Шу саволни ҳал қилиш учун жуда кўп тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Тажрибада маълум бўлдики, кўпчилик болалар ўзлари қизиққан тўгаракларга боришади. Шўх, ўйинқароқ болалар эса спорт секцияларига мойилдирлар. Улар билан жуда кўп ишлашга тўғри келади. Аммо меҳнатимиз самарасини кўрганимизда хурсанд бўламиз.

«Искра» клубининг коллективи аҳоли турар жойлари командалари ўртасида ўтказилган шаҳар конкурсларида ҳамиша совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

СУРАТДА: Олмазор массивида очилган «Пахтакор» деб номланган спорт анжомларини сотишга ихтисослашган янги магазин.

«КЕНТАВР» КЎЧИБ ЎТДИ

Тошкентдаги ҳаваскор югурувчилар клубининг фаолият бошлаганига ўн икки йил бўлди. Бу даврда жуда кўп ҳаваскор югурувчилар саломатликларини мустаҳкамлашди. Яқин кунларга қадар клуб аъзолари машғулот ўтказиш учун «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг базасига йиғилишар эди. Энди улар бошқа ерда шуғулланишади. Клуб Ленин номидаги маданият ва истироҳат боғига кўчиб ўтди.

Клубнинг асосий мақсади турли ёшдаги ҳамшаҳарларимиз ўртасида соғломлаштириш спортини пропаганда қилишдан иборатдир. Шу боисдан ҳам Сараево шаҳрида қишки Олимпиада ўйинларининг очилиши арафасида 5 ва 10 километр масофага югуриш мусобақаларини ташкил этмоқчимиз.

Саломатликни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган бу беллашувда иштирок этиш ниятида бўлганлар бизга 33-56-31, 77-25-10, 77-56-10 рақамли телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Н. ТАТАРИНОВ,

Тошкентдаги ҳаваскор югурувчилар клубининг раиси.

АКС САДО

Муҳокамани газетхонлар давом эттиришади

ПОЧТА ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ?

171-алоқа бўлими ходимлари ўз ишларига масъулиятсизлик билан ёндошмоқда. «Оқшом» газеталари кечикиб тарқатилади, бошқа газеталарни эса икки кунда бир оламиз.

Б. ПОНОМАРЕВ,

Лисунов кўчаси, 4-квартал, 21-уй, 48-квартира.

●

Почта хизматида тартиб қачон йўлга қўйилади, ахир. Янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб газета ва журналларни ўз вақтида олмаяпмиз, айримларини эса бутунлай олганимиз йўқ. 700000-алоқа бўлимига мурожаат қилишдан эса ҳеч наф бўлмаяпти.

А. БАДРИТДИНОВА,

«Марказ-1», 1-уй, 101-квартира.

●

111-алоқа бўлими ходимлари газета ва журналларни почта қутисига эмас, тўғри келган жойга ташлаб кетишади. Газеталар бир неча кундан кейин қўлимизга тегади.

В. ШАРИПОВА,

2-РКП(б) кўчаси, 20-уй.

●

Обуна бўлган газеталаримизни киоскадан харид қиламиз. Чунки алоқа ходимлари уларни бизга беришмай қўйган. «Оқшом» газетасини эса икки кунда бир оламиз. Шундай экан обуна бўлиб нима қилдик? Эҳтимол бу саволга 34-алоқа бўлими ходимлари жавоб беришар?

Н. ТРИФОНОВ,

Қорақамиш 2/4 массиви, 28-уй, 7-квартира.

●

Владивостокдан 8 январда Тошкентга келган хатни 12-алоқа бўлими ходимлари бизга тўрт кундан сўнг олиб келишди. Тезликни қаранг!

А. АКСЯНОВ,

Сергели —1, 31-уй, 13-квартира.

●

Бизга хат-хабарларни 12-13 яшар болалар тарқатишади. Январнинг икки ҳафтаси давомида мен 2 дона газета олдим. 151-алоқа бўлимидаги ўртоқларга эътирозимни айтсам қўпол қилиб «кутинг» дейишди. Аммо қачонгача кутиш мумкин».

М. ЖАМИЛОВ,

Байрам кўчаси, 1-проезд, 8-уй.

●

«Тошкент оқшоми»ни эртаси куни оламан. Ҳозиргача «Совет Ўзбекистони» газетасининг бирорта сонини ололмадим. 99-алоқа бўлимидаги ўртоқларнинг эса баҳонаси ҳеч тугамайди.

А. УСМОНОВА,

Гиссарская кўчаси, 2-проезд, 2-уй.

●

Ўтган йили «Человек и закон» журналининг 2 та сони, «Мурзилка» журналининг эса бешта сонини беришмади. Бу аҳвол янги йилда ҳам давом этмоқда. «Тошкент оқшоми» газетасини кун ора олсак хурсандмиз.

Ш. УСМОНОВА,

Шароф кўчаси, 65-уй.

РЕДАКЦИЯДАН: Газетамизнинг 13, 15, 16 ва 19 январь сонларида бошланган мунозаранни давом эттириб, ўнлаб тошкентликлар алоқа бўлимлари иши ҳақидаги анкета савопларига жавоб йўллашган. Уларнинг ҳаммасида жавоб бир хил: шаҳар оқшомги газеталари обуначиларга эртаси куни тарқатилади, айрим алоқа бўлимларининг ходимлари обуначиларга газеталарни ҳафтасига 2—3 марта тарқатиш қилиғини чиқаришган. «Эски» газета газетхонга мўлжалланган ахборотни беролмайди, бу равшан. Газетхонлар жуда ўринли таъкидлашганидек бу ҳолда умуман обуна кампанияси ортиқча даҳмаза, ахир газеталарни асабни ортиқча уринтирмай истаган киоскадан харид қилиб олиш мумкин.

Қўшимча чора-тадбирлар кўриш ва уни тадбиқ этиш ҳақида гапирмай туриб, газета ва журналларни тарқатишни яхшилаш борасида қандайдир янгиликларни кашф этмай туриб, бу ишни жойларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ҳар бир ходим зиммасидаги ишнинг масъулиятини ошириш, почта ходимлари коллективларини шаҳарликларга намунали хизмат кўрсатишга қизиқишини қўллаб-қувватлашдан бошламоқ мақсадга мувофиқ эмасмикин.

Мана, алоҳида тўхталиб ўтиш лозим бўлган бир мактуб. «Газета саҳифасида танқидий мақола берилгач 170-алоқа бўлими ходимлари «Вечерний Ташкент» газетасини ўз вақтида келтирадиган бўлишди. Танқид мўлжалга текканга ўхшайди. Аммо, афсуски, бу ҳол узоққа бормади. Ҳозир яна эски ҳаммом, эски тос».

Почта ходимлари танқиддан сўнг «фавқулодда ҳолатни» юмшатиш учун шундай усталик қилишган. Бизда ишлар жойида, чора кўрилди, бу ёғини энди секин яна давом эттираверамиз қабилидаги бу устомонликнинг кимга керагн бор! Газета ва журналларни ўз вақтида эгаларига тарқатиш бугун йўл-йўлаки юмуш эмас, юқоридаги сатрлардан кўринриб турибдики бу ишни яхшилаш мумкин ва бунга аллақачон эришиш керак эди.

Аммо ҳозир Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги ва шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бошқармаси жойларда бу ишнинг боришини назорат қилишни ўлда-жўлда ташлаб қўйган, четдан кузатувчига айланган. Бироқ бундай позиция бугунги кун талабларига мутлақо тўғри келмайди.

«Тошкент оқшоми» обуначиларига саволлар:

1. Сизга «Оқшом» газеталарини қачон етказиб беришяпти, ўша куними, эртасигами ёки кечроқми?

_____

_____

2. Иложи бўлса ўз ҳақингизда қуйидаги маълумотларни ёзиб юборсангиз: исм-фамилиянгиз, почта бўлимингизнинг номери, уй адресингиз.

_____

_____

Сизнинг таклиф ва мулоҳазаларингиз редакцияга, почта алоқаси ходимларига ҳам нашрларни ўз вақтида етказиб бериш ишини бир маромда йўлга қўйиш ва уни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ ЖАМОАЛАР ЖАМОАЛАРИ КУРИГИ-КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚАССР халқ артисти

Гулшод ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА

VI Жаҳон фестивалининг лауреати

Анвар РУСТАМОВ

Солистлар Баҳтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Раҳима НОСИРОВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Лола ОҚИЛОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МУМИНОВ.

Музыка раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 31/I да **Борис Годунов.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/I да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/II да **Мангулик,** 2/II да **Тошболта ошиқ.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Экзотик фантазия»** аттракциони. Ўргатилган гамадриллар группаси (19.30).

кино

31 ЯНВАРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«УИҒОНИШ» — **Санъат саройи** (18.30, 20.00; телефон 44-21-74).

«КУППА-КУНДУЗ КУНИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **М. Шайхзода** номли (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«ҲАР ҚАНДАЙ ХАВФ-ХАТАРСИЗ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Ватан** (тоқ соатларда), **Нукус** (тоқ соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** номли (жуфт соатларда), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда).

«ИБЛИС ҚУРОЛИ» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ЎТАЛМАГАН ЖАЗО» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Лисунов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

1 ФЕВРАЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЯНКУ ЖИАНУ — СОЛИҚ ИИҒУВЧИ», «ЯНКУ ЖИАНУ — ГАЙДУК» — **Санъат саройи** (Телефон 44-21-74).

«КУППА-КУНДУЗ КУНИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«ҲАР ҚАНДАЙ ХАВФ-ХАТАРСИЗ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Ватан** (тоқ соатларда), **Нукус** (тоқ соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда).

«ИБЛИС ҚУРОЛИ» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ЎТАЛМАГАН ЖАЗО» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

СОТУВЧИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК

Бугунги кунги сотувчи—бу маълумотли, маданиятли одамдир. У эътиборли ва хушмуомала, кўнгилчан ва харидорларга ҳозиржавоб бўлиши лозим. Ахир магазинда харидорни қандай кутиб олиш, нимани таклиф қилиш, тез ва яхши хизмат кўрсатишдан харидор кайфияти кўтарилади.

АГАР СИЗ СОТУВЧИ КАСБИНИ ТАНЛАСАНГИЗ

«БЕЛОРУСЬ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Бу ерда сизни пештахта орқасида туриб ишлаш этикаси ва савдо эстетикасига ўргатишади. Шунингдек сиз экономика, товаршунослик, Совет ва меҳнат ҳуқуқи асослари каби билимларни эгаллаб чиқасиз.

«БЕЛОРУСЬ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАКТАБ-МАГАЗИНГА 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ҚИЗ-ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчиларга ҳар ойда 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚУВЧИЛАР БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЁКИ САВДО ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

МАКТАБ-МАГАЗИННИ ТУГАТГАНЛАР КУЙБИШЕВ РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ ИРИК МАГАЗИНЛАРИГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 50-уй (Метронинг «Максим Горький майдони» станцияси, 1-автобус, 17, 18 троллейбуслар, 6, 13, 22-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекати). Телефонлар: 66-00-66, 66-05-44

ҚУЙБИШЕВ РАЙПИШЧЕТОРГИ (телефон 33-47-21).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 42-95-91).

ТВ

сешанба

31 ЯНВАРЬ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.05 «Москва бўйлаб саёҳат. Ленин проспекти». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
18.25 «Расмларда қуёш акси бор».
18.40 «Поэзия». Н. Старшинов.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сайловлар олдидан».
19.40 «Сенга серенада куйлаб бераман». Концерт.
20.10 «Бой, камбағал...» Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси И. Шоунинг романи асосида. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Самода ва ерда». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
23.10 — 23.30 «Дунё воқеалари».

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Кино оламида».
19.30 «Ахборот». (рус.).
19.45 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши» (рус.).
21.15 «Қароқчилар ва созандалар» Катталар учун мультфильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Республикада хизмат кўрсатган артист Х. Қодирова ва Х. Юсупова концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 А. Абдуллин. «Ўн учинчи раис». Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.55 Янгиликлар

II

17.50 Кўрсатувлар программаси.
17.55 «Ҳамиша соғ бўл». Телефильм.
18.25 Ўқитувчилар учун консультация.
18.55 «Табиат билан дўстлашиб». Телефильм.
19.10 «Қишлоқ ҳаётн» (рус.).
19.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Виз — 80-йиллар комсомоллари».
20.00 — 20.20 Янгиликлар.
20.50 «Озиқ-овқат программаси—халқ фаровонлигининг асоси» (рус.).
21.20 «Музликларнинг куйи ҳам...» Телефильм.

чоршанба

1 ФЕВРАЛЬ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время».
9.40 «Концерт залида —мактаб ўқувчилари».
10.30 «Бой, камбағал...» Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.45 «Саёҳатчилар клуби».
12.45 — 12.50 Янгиликлар
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саксонинчи йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар: «Сермашаққат ер», «Сиёсий ўқувда кўргазмалилик».
16.05 Венгер фольклор коллективларининг чиқиши.
16.30 «Билимимиз— қудратимиз». Телевизион журнал.
17.20 Бутуниттифоқ ва халқаро конкурслар лауреати А. Циганков чалади (домра).
17.45 «Иш билан синаш». Телевизион ҳужжатли фильм.
18.15 «Хотира». Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Матросов жасорати ҳақида телевизион очерк.
18.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Г. Свиридов. Оркестр ижроси учун кичик триптих.
19.40 «Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати».
20.15 «Бой, камбағал...» Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 Бокс бўйича халқаро учрашув. СССР—АҚШ терма командалари. Киевдан олиб кўрсатилади.
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30 — 00.05 «Спорт ҳафталиги».

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.00 «Ахборот».
11.20 — 11.30 «Вузулук ўрмони». Телефильм.
12.00 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
12.20 — 12.30 «Кама тонглари». Телефильм.
13.00 «Кўксерек». Бадиий фильм.
14.35 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Тенгдошларинг ижоди».
18.45 «Қўғирчоқ фильм.
19.05 КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Халқ истеъмоли молларига —юқори сифат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «1983 йил шеърияти». Адабий кўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 Еш ижрочилар концерти.
21.30 Москва «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. Ойбек. «Навоий». Кўп серияли видеофильм. 1-серия.
23.55 Янгиликлар.

II

18.05 — 18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.45 «Болалик». Бадиий фильм (рус).
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Веш йиллик ишлари ва одамлари» (рус.).
20.50 «АБС, ЭҲМ ва воситачи». «Далаларда ҳали оппоқ қор...» Телефильмлар.

Киров район халқ маорифи бўлими, маориф ходимларининг район касаба союз комитети ва 83-мактаб коллективи шу мактаб директори Ф. Қ. Умаровга отаси

Қудрат УМАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

31 ЯНВАРЬ, 1984 й. Р— 11048. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12